

ИНСОН ^{ВА} ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

"Мен аниқламан ҳаёт
зақиқати"

Фақат ўзингга ва жа-
соратингга асосланган
ҳимоядан яхшироғи,
пишиқроғи, ишонч-
лироғи йўқдир!

НИКОЛА МАКИАВЕЛЛИ

2019 йил 4 июнь

сешанба № 22 (1174)

e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/

5 июнь — Бутунжаҳон Атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш куни



ИНСОН БОРЛИҚ ВА ЙЎҚЛИҚ ОРАСИДА

БУТУНЖАҲОН атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни халқаро миқёсда нишонланадиган экологик саналар орасида ўзгача аҳамият касб этади. Мазкур сананинг экологлар байрами, деб аталышининг ўзиёқ унинг экологик тақвимдаги экосаналарнинг асосийси, муқаддими эканлигидан далолат беради.

УШБУ САНА НЕГА МУҲИМ?

Экология ва атроф-муҳитта жиддий зарар етказётган экологик хавф, урни келганда, хаттоки ядро талофоти ва терроризмдан ҳам даҳшатлироқ бўлиб, Ер юзидаги барча халқларни тобора бу ҳақда чуқурроқ уйлашга мажбур этмоқда. Зеро, инсоннинг табиатга ҳужасизларча муносабати табиат, жамият ва инсон ўртасидаги мутаносибликнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Шу сабаб БМТ Бош Ассамблеясининг 1972 йил 15 декабрда ўтказилган 27-сессиясида 5 июнь — "Бутунжаҳон Атроф-муҳит куни", деб таъсис этилиб, янги ташкилий тузилма Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича БМТ Дастури ЮНЕПга асос солинган.

Нега айнан 5 июнь санаси танланган, деган савол туғилади. Айнан шу санада Швеция пойтахти Стокгольмда бўлиб

ўтган "Инсоният муҳити" мавзuidaги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит масалаларига бағишланган конференцияси ўз ишини бошлаган ва унда жаҳоннинг 113 та мамлакатидан вакиллар иштирок этган эди.

Ушбу сананинг муҳимлиги куйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

— инсоният фаровонлиги, атроф-муҳит соғломлиги, иқтисодиёт самардорлиги еримизда мавжуд бўлган табиий ресурсларни оқилона бошқаришимиз, улардан тежамкорона фойдалана олишимиз;

— ҳозирги кунда ер шаридаги кўп-кўп экотизимларнинг захиралари дeryри тугаб, ортига қайтариб бўлмайдиган салбий жараёнларга юз тутганлиги

ва бунинг устига бутун дунёда аҳолининг ўсиб бориши, иқтисодий ривожланиш каби омиллар мазкур муаммонинг янада чигаллашишига олиб келинаётганлиги;

— 2050 йилга келиб дунё аҳолисининг сони 9,6 миллиардга етиб қолишини инобатга олганда, табиий ресурсларни ҳозирги суръат ва ҳажмларда истеъмол этишимизни, маҳсулот ишлаб чиқаришимизни давом эттириверсак, келажакда бизга ҳозирги ер шаримизнинг катталигидаги яна учта ер шари керак бўлиши мумкинлиги ва бошқалар билан бевосита боғлиқ.

6-саҳифа

БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!

...Авалло, адлия органи ва муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди. Токи адлия ходимлари меҳнатига яраша ҳақ олсин, эҳтиёж туфайли коррупцияга қўл урмасин ва иш ўрнини йўқотмаслик учун ҳалол ишласин.

2-саҳифа

ҚАБРИСТОНЛАР ҚАРОВСИЗ ҚОЛМАСИН!

...Рамазоннинг қутлуғ кунларида сабр-тоқат ила дилни поклаб Муборак айём билан юзма-юз келаяпмиз. Шундай чоғда ҳаёт ва тириклик, инсоннинг бугунги куни, фано ва бақо борасида хаёлларга толасиз, албатта.

3-саҳифа

АЛИМЕНТ "ОТА" БЎЛОЛМАЙДИ

Икки ёшнинг тўйдан кейинги ҳаёти ҳам завқли ва ташвишсиз бошланди. Чет элга саёҳат, ўзлари хоҳлаган машина-ю либослар, ҳатто еб-ичадиган таомлари ҳам буюртма қилинар эди. Улар учун ҳаёт умрларининг сўнгига қадар шундай давом этадигандек эди гўё.

4-саҳифа

"ОЛТИН ДАВР"НИ ОЁКСТИ ҚИЛДИ

...Мудҳиш қотилликни содир этган талаба ичидан катта хато қилганлигини биларди. Орадан 2-3 кун ўтди. Натальянинг эшиги қулф, кўшнилари ҳам унинг кўринмай қолганидан таажубланди.

4-саҳифа

БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!

2019 йил 27 майда "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжат қабул қилинишидан мақсад коррупцияга қарши курашишни янада кучайтириш, юртимиз иқтисодиётида қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, халқаро майдондаги обрў-эътиборимизни мустаҳкамлашдир. Фармон билан 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди. Эндиликда, ҳудудларда ҳам халқ депутатлари Кенгашлари таркибида коррупцияга қарши курашиш комиссиялари ташкил этилиб, улар жойларда ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолатини ўрганиб боради.

Фармонда белгиланишича, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб, ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, татбиқ этилади. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзулар янада кучайтирилади.

2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тартиқасида дастлабки босқичда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида "Коррупция-сиз соҳа" лойиҳаси амалга оширилади, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб эса лойиҳа бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий этилади. Президент Фармонига қўра, тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон

яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.


Фармонда коррупцияга қарши курашишда давлат бир қанча устувор йўналишлар асосида иш қўриши белгиланди. Масалан, суд ҳокими-ятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришда шаффоф тартибни кучайтириш, давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиб, уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш каби бир қатор вазифалар орқали коррупция хавфининг камайишига эришиш кўзланаяпти. Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг эса ҳуқуқий механизми шакллантирилди.

Фармонда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш масаласи алоҳида қайд этилган. Албатта, ушбу ҳужжат коррупцияни енгиш учун давлат органлари ва ташкилотлар зиммасига юклатилган муҳим вазифаларни рўёбга чиқаришда амалий аҳамият касб этади. Бу борада Адлия вазирлиги аҳолининг ҳуқуқий онгини ўстиришда олиб бораётган ишлари, адлия органларида коррупцияни йўқ қилишга қаратилган чоралар ҳақида Ўза мухбирининг Адлия вазири ўринбосари билан суҳбатиде сўз боради.

Адлия вазири ўринбосари:

КОРРУПЦИЯГА ХОТИРЖАМ ҚАРАШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

ёхуд бармоғимиз доим коррупциянинг пульсида бўлади!



Коррупция — қонуннинг қўпол равишда бузилишидир. Энг ёмони, уни амалга оширган шахс бошқаларнинг ҳуқуқларига путур етказди. Алап-оқибат бу иллат жамиятга, мамлакат тараққиётига раҳна солади.

Шунинг учун ҳам коррупцияга қарши курашиш долзарблигича қолмоқда. Адлия идораларида коррупцияга қарши жиддий чоралар қўрилмоқда. Вазирликнинг бу борадаги фаолиятида бошқа ташкилотларга ўрнатилган жиҳатлар ҳам бор. Бу қандай жиҳатлар?

Ўза мухбири Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари Худойёр МЕЛИЕВ билан шу ҳақида суҳбатлашди.

— Коррупция халқнинг давлатга ишончини пасайтиради, жамиятнинг ахлоқий асосларини емиради, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг чуқурлашишига сабаб бўлади, — дейди Х.Мелиев. — Коррупция тизинланмаса, тараққиёт йўлида қилинаётган ислохотлар, ўзгаришлар ўз самарасини бермайди. Қўлаверса, коррупция даражасининг юқорилиги мамлакатнинг халқаро миқёсда обрўсини туширади, инвестициявий муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган омилдир. Шу боис коррупция билан муроसा қилиб бўлмайди, "бутун дунёда бор", "коррупцияни барибир енгиб бўлмайди" каби важлар билан уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳам мумкин эмас. Коррупцияни фақат тубдан йўқ қилиш ҳақида ўйлаш керак.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг зарур ҳуқуқий асослари мавжуд. Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида имзолаган биринчи қонун "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонундир. (2017 йил 4 январь).

Бу қўп нарсани аниқлаштирилади, албатта. Коррупцияга қарши курашиш масаласида биринчи навбатда аҳамият берилишини, уни енгишга бўлган сиёсий иродани фидоалайди.

Қонун ижросини тўлиқ таъминлаш ва коррупцияга қарши курашишни тизимли ҳамда тартибли амалга ошириш мақсадида "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Қарори қабул қилинди. Қарор билан 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури тасдиқланган. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилди. Адлия вазири эса ушбу комиссия раисининг ўринбосари ҳисобланади.

— Адлия тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Тизимда "коррупция биринчи рақамли душман", деб эълон қилинган. Уни бартараф этиш бўйича жиддий амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда. Биз имитация ёки қуруқ югур-югур билан коррупцияни енгиб бўлмаслигини яхши биламиз. Шу сабабли натижага ургу бераямиз. Бунда биз жамоатчилик назорати ва инновацион усулларни уйғунлаштирган ҳолда коррупцияга қарши курашиш тизимини яратдик.

Ававало, адлия органлари ва муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан қайта қўриб чиқилди. Токи адлия ходимлари меҳнатига яраша ҳақ олсин, эҳтиж бўлган коррупцияга қўл урмайсин ва иш ўринини йўқотмаслик учун ҳалол ишласин.

Нотариат соҳасида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар борлиги ва бу борада бизга бот-бот "синган"лар келиб туриши сир эмас. Шу сабабли мазкур соҳага муносиб ва ҳалол кадрларни танлаш ҳамда танлов жараёнини шаффоф ўтказиш учун нотариус лавозимига танловларни онлайн кузатиб бориш амалиёти қўлланилмоқда. Бу, айтиш мумкин, бошқа ҳеч бир давлат идораларида ҳозиргача амалга оширилмаган тажриба. Шунингдек, нотариал идораларда видеокузатув камералари ўрнатилиб, иш фаолиятини узлуксиз мониторинг қилиш тизими жорий этилди.

Коррупциявий ҳолатларга қарши курашиш ва коррупциянинг олдини олиш мақсадида қисқа муддатли текшириш (рейд) ва "Сирли мижоз" тадбирларини ўтказиш тартиби жорий қилинди. Бунда тегишли ходимларимиз мижоз сифатида хизматдан фойдаланади, бу жараёнда таъмағирлик учраса, фож қилади.

— "Сирли мижоз" тадбири, "Очиқ адлия" ижтимоий дастури қандай натижа кўрсатмоқда?

— Жорий йилнинг февраль-апрель ойларига вазирлик ходимлари томонидан Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Фаргона ва Сурхондарё вилоятларидаги 103 нотариал идорада рейд текширувлари ўтказилди. Мазкур тадбирларда аниқланган ҳолатлар бўйича 8 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди ва 21 нафар ходимга интизомий жазо чораси қўлланилди. Қўрилаётган чоралар ўзининг самарасини бермоқда. 2016 йилда 44 нафар ходимга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлса, 2017 йилда бу қўрсаткич 11, 2018 йилда эса 1 нафарни ташкил этди.

Фаолият очиклигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мониторингини олиб бориш мақсадида Жамоатчилик кенгаши тузилди.

Жорий йилда Адлия вазири буйруғи билан Адлия вазирлигининг адлия органлари ва муассасаларида кадрлар билан ишлаш дастури қабул қилинди. Вазирлик фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликка муҳим ахборотлар беришга қаратилган "Очиқ адлия" ("Open Justice") ижтимоий дастури тасдиқланди. Очиклик ва шаффофликни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида 2018 йили Адлия вазирлиги республикамиздаги энг очик, шаффоф давлат ташкилоти, деб эътироф этилди.

Маълумки, коррупциявий қилмишларга юқори латентлик хос, яъни бундай турдаги ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти очилмай қолади. Чунки бундан икки тараф ҳам манфаатдор. Шу сабабдан коррупцияга қарши кенг қўламли, ақли ва

инновацион кураш чораларини доимий тарзда жорий этиш мақсада мувофиқ. Бунда коррупцияни келтириб чиқариши мумкин бўлган сабаблар ва шароитларни бартараф қилишга асосий ургу берилмоқда.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақидаги хабарлар ўз вақтида етказилишини таъминлаш мақсадида яқинда телеграм тармоғида "@antikorbort" номи махсус бот ишга туширилди. Келиб тушган хабарларга тезкор амалий муносабат билдириш тизими яратилди. Ушбу бот орқали фуқаролар Адлия вазирлиги ва унинг тизимидаги таълим муассасаларидаги ноқонуний ишлар, жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида хабар бериши мумкин.

— Очиклик ва шаффофлик коррупция кушандаси ҳисобланади. Шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар қандай натижа бермоқда?

— Адлия вазирлиги фаолиятида очиклик ва шаффофлик муҳим ўрин эгаллайди. Шу ўринда бир нарсанга тўхталиб ўтсам: коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини қўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига қўмақлашувчи сабаблар, шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш мақсадида Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш дастури тасдиқланди. Бу ҳам давлат ташкилотлари ичида биринчилардан бўлиб адлия тизимида амалга оширилган амалий иш, таъбир жоиз бўлса, коррупцияга нисбатан жиддий зарбадир.

Очик фаолият юритиш борасида қатор чоралар белгиланган. Вазирлик биносидеги хоналарнинг жойлашуви ҳам қайта қўриб чиқилди. Ходимлар кенг майдонда бир-бирини бемалол кузата оладиган даражада жойлаштирилди. Ташкилотта келган фуқаролар ҳам ходимлар қандай иш билан банд бўлишини ўз қўзлари билан қўриши мумкин. Содда қилиб айтганда, деворлар ва эшиклар ҳам энди шаффофликни таъминлайди. Бу усул коррупциявий омилларнинг олдини ҳам олади.

Йилда икки марта Адлия вазирлиги марказий аппаратида, Давлат хизматлари Агентлигида, адлия органлари ва муассасаларида "Очиқ эшиклар кўни" тадбирлари ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, ходимларни аттестациядан ўтказишда илк марта жамоатчилик назоратини назарда тутувчи мулкко янги механизм жорий этилди. Худудий адлия органларида ходимларнинг аттестацияси жараёни вазирликнинг расмий веб-сайти minjust.uz орқали онлайн тарзда трансляция қилиниши йўлга қўйилди.

Адолатли тарзда ўтган ушбу тадбирда адлия органлари ходимларининг 60 нафари аттестациядан ўтказилди, уларнинг 33 нафари эгаллаб турган лавозимга лойик, деб топилди. 17 нафарига 6 ой синов муддати белгиланди. 10 нафари эгаллаб тур-

ган лавозимга нолойик, деб топилди, эгаллаб турган лавозимдан озод қилинди.

Нотариат тизимида коррупциянинг олдини олиш учун тўловлар онлайн тарзда амалга оширилиши ва бунда тўлов квитанциялари "Биллинг" тизими орқали чиқарилиши тартиби йўлга қўйилди.

Бундан бўён ҳам коррупцияга қарши курашиш нафақат тизимли ва изчил тарзда давом эттирилади, балки янада кучайтирилади. Биз ишни "фақат қўлга тушган ўғри" қабилида ташкил қилмоқчи эмасмиз. Балки "ўғрилиқ қилган ўғри" принципи асосида ишлаймиз. Яъни, коррупция масаласида нафақат фактларни, балки шубҳа-гумонларни ҳам синчиқлаб ўрганишимиз. Бунинг учун, аввало, коррупцияни прогноزلаш тизимини ишлаб чиқамиз. Бунда биз, албатта, фуқароларнинг ёрдами ва фаол иштирокига таянамиз. Яъни, вазирликнинг телеграм мессенжеридеги "Hиққуқ ахборот" каналидеги ва "Facebook" ижтимоий тармоғидаги саҳифасида "Коррупцияни бирга енгамиз" мавзусида ижтимоий сўров ўтказиб борилади. Шу йўл билан биз коррупция жараёنларини мониторинг қиламиз, маълумот йиғамиз. Таъбир жоиз бўлса, бармоғимиз доим коррупциянинг пульсида бўлади. Сўров натижаларини таҳлил қилиб, коррупцияга олиб келувчи омилларини бартараф этишга қаратилган чораларни ишлаб чиқамиз.

Коррупцияга қарши тарғиботни сусайтирмаймиз, унга нисбатан тоқатсизлик ва муросасизликни тарбиялашни давом эттирямиз. Бунинг учун коррупцияга қарши тарғибот материалларини тайёрлаб, адлия органлари ходимларига ва кенг оммага тарқатишни режалаштирганмиз.

Таълимдаги коррупцияга жиддий зарба бериш мақсадида Тошкент давлат юридик университетидаги яқиний давлат аттестация жараёнини онлайн тарзда тўғридан-тўғри узатмоқчимиз.

Жамоатчилик назоратини рағбатлантирямиз. Яъни, адлия органлари ва муассасалари мансабдор шахслари томонидан содир этилган коррупцияга оид хатти-ҳаракатлар ҳақида хабар берган шахсларни муқофотлаш тартиби жорий этилади. Шунингдек, давлат нотариал идоралари ва давлат хизматлари марказларида мурожаат қилувчилар томонидан қўрилган хизмат сифатини баҳолаш тизими жорий этилади.

Умуман айтганда, шу каби яна қирқдан ортиқ чора-тадбирни амалга оширишни режалаштирганмиз. Уйлаяманки, қисқа фурсатда уларнинг барчасини амалга оширямиз. Натижасини назоратга оламиз. Бундан бўён ҳам қандай ноқонуний ҳолат, айнқиса, коррупцияга хотиржам қарашга ҳаққимиз йўқ!

Ўза мухбири
Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди.

Сўнги манзил: мангу сокинлик...

ХАЛҚИМИЗДА "қайси юртнинг ободлигини билмоқчи бўлсанг, бозори-ю мазорига бор", деган нақл бор. Бу нақлда бозор — турмуш, мазор — маънавият белгисини билдиради. Зеро, мазор марҳумларнинг мангу кўним топган маскани бўлса, бозор тирикликнинг яшаш манбаи саналади. Шу маънода айтганда, қабристонларни, муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларни зиёрат қилиш, боқий дунёга сафар қилган яқинларимиз қабриларидан хабар олиш, ҳақларига Қуръон тиловат қилиш, марҳумлар ётган жойларни обод ва озода сақланишига эътибор қаратиш ҳар бир инсон учун ҳам қарз ҳам фарзидир. Бу борада Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: "Қабристонни зиёрат қилиб туринглар, зеро, у сизларга охиратни эслатади".

Эртага Рамазон Ҳайит байрами. Рамазоннинг кутлуг кунларида сабр-тоқат ила дилни поклаб Муборак айём билан юзма-юз келаямиз. Шундай чоғда ҳаёт ва тириклик, инсоннинг бугунги кунги, фано ва баҳо борасида ҳаёлларга таласиз, албатта. Бугунги маколамиз, ҳар кимнинг сўнги манзили — қабристон ҳақида.

Бу маконда шикоят қиладиган сас ва садо йўқ

Яқинда Хотира ва қадрлаш кунлари арафасида Иштихон туманидаги "Қумуш момо" қабристонини зиёрат қилдим. Бу масканга ўтган йилда ҳам келгандим. Ушанда аҳолининг лоқайдлиги ва айрим мутасаддиларнинг эътиборсизлиги туфайли қабристон қаровсиз ҳолга келиб қолганлигининг гувоҳи бўлгандим. Мана орадан бир йил ўтибди ҳамки қабристон ҳамон қаровсиз аҳолида?!
1 гектару 84 сотихдан иборат бўлган қабристон майдонининг ён-атрофи девор ёки бирон-бир тўсиқ билан ўралмаган. Қабристон дарвозасига (агар уни дарвоза, деб бўлса) туташ сомон сувоқли уйча пўттурдан кетган, деворлари нураб бораётди. Ичи ҳузулбад ётган бу уй тобутхона, қоровулхона, таҳоратхона, киротхона, дам олиш жойи экан. Қабристон ён-атрофи эса ёввойи ўт-ўланлар қуршовида, қамшизорга айланган. Хуллас, бу рихлат маконда қаровсизликдан шикоят қиладиган бирон сас, бирон садо йўқ эди.

Ачинарлиси, қабристон ёнгинасида ўтадиган катта йўлнинг ўйдим-чуқурлигидан на пиёда на уловда юришининг ўзи бўлмади. Айтишларича, бир асрга тенг бу йўл қамиди 40-50 йилдан буён асфальт кўрмаган. Қишнинг ёгин-софчинли кунларида аҳолининг бу йўлдан тиззагага қўлмак кечиб юришию ёзда тупроққа ботиб қолиши шундоққина кўриниб турибди. Айниқса, қабристоннинг бир томонидан оқиб ўтаётган катта зовур арик устида қанчалардир қурилган кўприкнинг хориган ва нураган аҳолини қўриб, манзилда давом эттишининг иложи йўқдек кўринади. Шундай бўлса-да, қурилгандан буён асфальт кўрмаган йўл, тешилган кўприк устида аҳоли ҳар кун неча бор пиёда ёки автоуловда ўтиб қайтади.

Кези келганда айтиш жоизки, йўл ва кўприк қуриш савобли ва хайрли иш, дейишади. Бироқ бир пайтлар боболаримиз томонидан аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида қурилган бу йўл ва кўприкни таъмирлаш нечоғлик савобли эканлигини айрим фуқаролари-

миз ёки мутасаддилар англаб етишмаган, назаримизда.

Мангу масканга муносабат ёхуқ ўрганшларга очилган муаммолар

Шу ўринда айтиш лозимки, Иштихон туман ҳудудида 147 та қабристон жойлашган. Ҳар бир қабристонга қараб туриш учун ходимлар (нозир ва қоровул) бириктирилиб, уларга ойлик-маош белгиланган. Ушбу қабристонлар аҳоли туман адлия бўлими, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими ҳамда ДСЭНМ томонидан ўрганилганда, аксариятда нохуш ҳолатлар кузатилади. Масалан, "Шайхларкент" МФЙ ҳудудидаги "Шайхларкент" қабристони, "Қорақишлоқ" МФЙ ҳудудидаги "Қорақишлоқ" қабристони, "Митан" шаҳарчасида жойлашган "Христиан" қабристони каби бир қатор масканлар атрофига ҳар хил чиқиндилар ташланган. Бу эса атроф-муҳит тозаллигига зид бўлиб, экологик талабларга жавоб бермайди. Ачинарлиси, бизнинг менталитетимизга хос бўлмаган бу нохуш ҳолат, яъни "Ўзбекчилик-да" атроф-муҳит тозаллиги ва озодаллигига эътибор бермаслик ятди ҳисобланади.

Қабристонларни обод қилишда давлат билан биргаликда, серҳиммат инсонларнинг кўмагига эҳтиёж сезилмоқда. Шунини ҳисобга олиб, ҳудудларимиздаги қабристонларни ибратли ҳолга келтириш учун ташкилот, корхона ва муассасалар ҳомий сифатида бириктирилса, фойдадан ҳоли бўлмади. Бундай савобли ишлар динимизда "садақаи жория", деб аталади. Бу зиёрат маданиятини йўлга қўйишнинг энг мақбул усулларида бири ҳисобланади.

Қабристонда уй қуриб бўларканми?

Тошкент туманида яшовчи фуқаро Ж.Мирзақосимовнинг ҳаётинда юз берган муаммо долзарб ва ечимга муҳтожлиги билан эътиборни тортади. Ж.Мирзақосимовнинг айтишича, у оилавий ниぞ туфайли ота уйига кира олмайди. Шунда туман ҳокими собиқ ўринбосари, "Мажнунтол" МФЙнинг собиқ раиси унинг аҳолини тушуниб, маҳалла идорасининг бир хонасини ажратиб беради. Бироқ би-роз вақт ўтиб, айни қиш чилласида у хомилдор аёли билан яшаётган жойидан мажбурлаб чиқаради.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: "Қабристонни зиёрат қилиб туринглар, зеро, у сизларга охиратни эслатади".

рилади ва "Сохибқор" МФЙ ҳудудида жойлашган қирк-эллик йиллик эски қабристондан одамларга ер берилганини ва унга ҳам жой ажратилганлиги айтади. Лекин Ж.Мирзақосимовнинг бу ерда иморат қуришига баъзи эътирозлар бўлгани боис "Мажнунтол" МФИда жойлашган яна бир қабристоннинг ёнидан ярим сотих ер ажратиб берилади. Унга бу ерга иморат қуриб яшатиш мумкинлигини айтиб, вақти-соати келиб уйни ҳужжатлаштириб беришга ваъда қилишади. Аммо фуқаро шу пайтгача бир хонадан иборат уйига эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни ололмаган.

Маълумки, Президентимизнинг "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир мартали умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Фармони ва мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июнидаги 461-сон қарори қабул қилин-

ҚАБРИСТОНЛАР ҚАРОВСИЗ ҚОЛМАСИН!



ган эди. Ж.Мирзақосимов айни шу қарор асосида уй-жойига эгаллик ҳуқуқини тасдиқлаштириш учун тегишли ташкилотларга мурожаат қилди ва рад жавобини олади. Хуллас, фуқаро "Отанга бор, онанга бор" қабилада сарсон бўлиб юрғанида ҳоким ўринбосари-ю, маҳалла раиси бошқа ишга ўтиб кетди. "Мажнунтол" МФЙ томонидан тасдиқланган далолатномада улар кам таъминланган оилалар рўйхатига киритилган ҳамда яшаб турган уйи ҳашар йўли билан бунёд этилган экан. У яшаб турган қабристоннинг бир қисмига аллақачон уй-жой қурилган. Иккинчи бўлаги гишт девор билан ўралган. Ж.Мирзақосимовга аталган жой эса шу зайдла турган экан. Бир қарашда бу ерда қабрлар борлигини англаш қийин эмас. Ҳамма гап ана шунда! Аслида, қимларидир ота-бобоси ётган бу масканга уй-жой қуриш учун ҳам тегишли идораларнинг рухсати, ҳужжати керак эмасми?

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралда "Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Қарорда қабристонларни ободонлаштириш ва сақлаш борасида бир қатор камчиликлар кузатилаётгани ва баъзи маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги натижасида қўлпаб қабристонлар қолган ташландиқ аҳолга келиб чоғори, айрим қабристонларда уларга тегишли ҳудуддаги ерлар ўзбошимчилик билан ўзлаштирилиб, уй-жой қуриш каби диний ва миллий қадриятларга зид ишларга йўл қўйилаётгани таъкидлаб ўтилган. Хусусан, Тошкент тумани ҳокимилиги, мутасаддилари ҳам худди шундай камчиликларга йўл қўйган.

Бироқ айни пайтда мақсади-миз, муборак Рамазон ойида бу каби диний хира қиладиган ҳолатларни муҳофаза қилиш эмас. Уйлаймики, Тошкент тумани ҳокимилиги, мутасадди вакиллари фуқаронинг уй-жойи масаласида жўяли ечим топилшида кўмак беришади. Назаримизда, "Сохибқор" МФИдаги ташландиқ қабристонда ҳам Вазирлар Маҳкамасининг қарориди қўрсатилган ободонлаштириш ишлари тез кунларда амалга оширилади.

Адлия вазирлиги: қабристонлар ҳолатини ўрганди

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан миллий қадриятларимизни асраш, аждодларимиз хотирасини улуғлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром қўратиш, қабристонларни, муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларни обод қилиш бўйича қўлпаб ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур ишларнинг сама-

радорлигини янада ошириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан дафн этиш жойлари (қабристонлар)ни ташкил этиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилди. Ўтказилган таҳлиллар натижаси қабристонлардан фойдаланиш, уларни сақлаш ва ободонлаштириш бўйича қуйидаги тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Шу маънода айтганда, қабристонларни, муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларни зиёрат қилиш, боқий дунёга сафар қилган яқинларимиз қабриларидан хабар олиш, ҳақларига Қуръон тиловат қилиш, марҳумлар ётган жойларни обод ва озода сақланишига эътибор қаратиш ҳар бир инсон учун ҳам қарз ҳам фарзидир.

юритилмаслиги каби салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Бунинг натижасида, қабристонлар худудини сақлаш ва ободонлаштириш учун етарли хайр-эхсон маблағлари шакланмай қолишига олиб келмоқда. Шунингдек, қабристонларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва маросим хизматларини кўрсатиш бўйича қоровул, дафн маросими хизматлари иш-чиси, тозаловчи ва назоратчи каби ходимларга эҳтиёж мавжуд, ва ҳоқазолар...


Ю қ о р и д а қайд этилган тизимли камчилик ва муаммоларни б а р т а р а ф этиш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан қабристонларни ободонлаштириш ва сақлаш ишларини янада тақомиллашти-

риш, қабристонларда хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган қуйидаги тақлифлар ишлаб чиқилди. Унда қабристонларнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштирилишини таъминлаш бўйича чоралар кўриш, қабристонлар худудида санитария-хизматлаш зоналарини ташкил этиш, қабристонларни сақлаш ва ободонлаштириш ишларига давлат-хусусий шериклик механизми (аутсорсинг) жорий қилиш, Тошкент шаҳридаги қабристонларга қўшимча ер участкаларини ажратилиши таъминлаш каби масалалар кўтарилган.

Айни кунларда республикамизнинг барча худудларидаги зиёратгоҳ ва қабристонларни тозалаш ва ободонлаштириш ишлари кенг қўламда уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Айниқса, муборак Рамазон ойида қабристонларнинг ободлиги учун ташкил этилаётган ҳашарлар аҳолини ҳамжиҳатликка ундаши баробарида, ўзаро меҳр-оқибат, одамийлик ришталари узилмаслигига хизмат қилади. Хулоса қилиб айтганда, инсон умрининг энг қисқа формуласи туғилиш, улғайиш, қаюси етганда боқий дунёга рихлат қилиш экан. Бироқ тириклар ва марҳумлар орасидаги кўз илғамас ришталар ҳеч қачон узилмайди. Зотан, "индамаслар оламига" сафар қилган азизларимиз, жулмадан, бобо-момоларимиз, ота-оналаримиз, оғаниларимиз, яқин инсонларимизни ҳар кун эслаб туришимиз, қабриларни обод қилиб, Қуръон тиловат қилишимиз тириклик оламининг энг эзгу қолидасидир. Истардикки, кўнглимиздан ва ёди-миздан ана шу эзгу амал кўтариламаса бас!

Гулсум ШОДИЕВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ЁЛФОНИГА УЧИБ ХОР БЎЛДИ



ҚАДИМДАН аёлларимизга ўзгача эҳтиром, ҳурмат билан қаралган. Лекин улардан айримларининг жиноят кўчасига кириб қолганини кўриб, беихтиёр диллимизда ачиниш ҳиссини туямиз. "Нега жиноятга қўл урдингиз?", дея берилган саволга қўпинча оддийгина қилиб: "Оилавий шароитим қийин эди", дея жавоб қайтарашди.

Аслида сабрсизлик, иродасизлик, аёлларимизнинг жиноят кўчасига киришининг бош сабабларидан бири эмасмикан?

Ёз кунларининг бирида Назирага таниши Малоҳат (исм-шарифлар ўзгартирилган) кўнгирак қилиб қолди. Малоҳат суҳбат давомида Туркия давлатининг Истанбул шаҳридаги дўконлардан бирида ишлаб, ойига 4.000 АҚШ доллари топаётганлигини айтиб, дугонасини ҳам қизиқтириб қўйди: — Агар келсанг, бирор гўзаллик салонига ёки дўконга ишга киришиб қўяман. Ишлаб шароитини тўғирлаб оласан. Назира: — Онамдан сўраб кўрайчи, нима дерканлар. Лекин менинг боришга пулим йўқ, — деди.

Назира онасининг норозилигига қарамадан дугонасига паспорт нусхасини жўнатади. Малоҳат эса унга уч кундан кейин электрон билет жўнатишини айтади. Шу тобда Назиранинг кўзига фақат пул топиш илинжи, енгил-елпи ҳаётдан бўлак ҳеч нарса кўринмасди. Ўз олдига қўйган мақсадидан қайтмади. 2016 йил 20 июнь куни онасининг холасиникига кетганидан фойдаланиб, Тошкент халқаро аэропорти орқали Боку шаҳрига, у ердан эса Туркиянинг Истанбул шаҳрига учиб кетади.

Н.Ёкубовани аэропортда дугонаси М.Толипова ва унинг таниши Лобар Ҳайдарова кутиб олди. Улар ўзини савдо дўконининг эгаси Асал, деб таништирган аёлнинг уйига келишади. Бироз вақт ўтгач, Асал Назирага "Сен бу ерга нима иш қилишга

келганинги биласанми?", деб сўради. Назира унга дўконда ишлашга келганлигини айтади. Асал эса унга "ҳеч қандай дўконда ишламайсан, дугонанга ўхшаб фоҳишалик қилишга келгансан", деб паспортини олиб қўяди. Назира паспортини беринг, деб йиғлашга тушади. Шунда Асал "сенинг шу ерга келишинга 8000 АҚШ доллари сарфладим. Ушани қоплайсан, паспортингни бераман", деб айтади. Шундан сўнг қизлар Асалнинг тазийки остида унинг хоҳиш-истакларини бажаришга мажбур бўлади. Орадан бир ойча вақт ўтади. Н.Ёкубова июль ойининг ўрталарида уларни кўриклаб ўтирган Танер исмли шахсга улар яшаётган кўп қаватли уйнинг пастидидаги дўкондан зарур нарса олиб чиқишни сўрайди. Кўчага чиққач, Тошкентга онасига СМС хабар жўнатади. Онаси унга қайтиб кўнгирак қилганида Назира бор гапни айтиб беради. Онаси эса дугонаси Соҳибага кўнгирак қилиб, Туркиядаги танишлари орқали қизини Тошкентга қайтаради.

"Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу", деганларидек Назира ширин ёлгонларга ишониб ор-номусидан айрилди. Энди оиласи ва қариндош-уруғларининг кўзига қандай қарайди?

Юқоридагиларни инобатга олиб, суд судланувчи М.Толиповага тегишли жазо тайинлади.

Мадина ҲАМДАМОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

АЛИМЕНТ "ОТА" БЎЛОЛМАЙДИ



НОДИР ва **НОЗИМА** (исм-шарифлар ўзгартирилган)нинг бахт тўйи кўпчилик ҳавас қилса аризудек бўлиб ўтди. Ҳа, қуда-андалар ҳам фарзандларининг бахти учун борини тўкиб сочди. Сарпо-суруқдан тортиб тўйхонагача энг қиммат ва дабдабаллари танланди.

Икки ёшнинг тўйдан кейинги ҳаёти ҳам завқли ва ташвишсиз бошланди. Чет элга савҳат, ўзлари хоҳлаган машина-ю либослар, ҳатто еб-ичадиган таомлари ҳам буюртма қилинар эди. Улар учун ҳаёт умрларининг сўнгига қадар шундай давом этадигандек эди гўё.

Завқ ва шавққа тўла ўтган йиллар давомида Нодир ва Нозима уч нафар фарзандли бўлишди. Фарзандлар тарбияси билан машғул бўлиб қолган Нозима чет элга савҳатлар у ёқда турсин остона хатлаб кўчага ҳам чиқолмай қолди. Нодир эса "ўрганган кўнгилик ўртанса қўймас", деганларидек ёру дўстлар билан айшу ишратдан бери келай демайди...

Нозимага эрининг юриш-туриши ёқмадимки ёки ўзининг фарзандлари билан бўлиб уйдан чиқолмай қолгани алам қилдими турмуш ўртоғи билан "мен-сен"га борадиган бўлди. Албатта, Нозиманинг бу ҳаракатлари Нодирга ҳам оғир ботарди. Ҳали ҳаётнинг аччиқ сабоқларини бошдан кечирмаган бу жуфтлик ўртасида ажралиш ҳисси пайдо бўла бошлади. Ва алап-оқибат шундай бўлди ҳам.

Ёш оилани сақлаб қолишга уринган қуда-андаларни ҳам, маҳалла-қўйнинг ҳам ҳаракатлари зое кетди. Нозима вояга етмаган уч нафар фарзандини олиб отасининг уйига борди.

Орадан кун эмас, ой эмас йил ўтди. Аммо шу вақт мобайнида маишатга берилган Нодир фарзандларининг тақдирини, келажагини уйлаш у ёқда турсин уларнинг бугунги аҳволи билан ҳам қизиқмади. Ҳатто, зиммасидаги вояга етмаган фарзандлари таъминоти учун тўлаши шарт бўлган алиментни ҳам унутди. Собиқ турмуш ўртоғининг фарзандларига нисбатан бундай эътиборсизлигидан қуйинган Нозима судга мурожаат қилди.

Жорий йилнинг май ойида Юнусобод туман маъмурий суди томонидан юқоридаги мурожаат кўриб чиқилди. Очик суд жараёнида қарздор отадан вояга етмаган фарзандлари таъминоти учун 20.300.000 сўмлик алимент қарзи ундирилди.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, алимент пули фарзандлар тақдирини ҳеч қандай муҳим ўринга эга эмас. Аниқроқ айтганда, алимент фарзандлар ҳаётида ота ўрнини боса олмайди. Шундай экан, энг аввало, оилалар ажралишининг олдини олишимиз зарур. Шундагина мурғак гўдакларнинг на ота меҳрига, на она меҳрига эҳтиёж сезишига ҳожаат қолмайди.

Хуршид СОДИҚОВ,
Юнусобод туман маъмурий суди судьяси

"ОЛТИН ДАВР"НИ ОЁҚОСТИ ҚИЛДИ



ИНСОН ҳаётининг энг гўзал ва жўшқин даври талабалик даври ҳисобланади. Бу даврда барчада илм ва кўникама ҳосил қилиниб, маънавият юксалтирилади. Шунга айтишса керакда "Талабалик олтин давр" деб. Аммо....

Аммо жамиятимизда айрим ёшлар борки, билиб-билмай олтинга тенг даврини суднинг қора курсисига лойиқ билади. Гарчанд ўзлари шу оқибатни хоҳлашмаган бўлсаларда.

Кунларнинг бирида Наталья (исм-ша-

рифлар ўзгартирилган) кўчада келаётган Санжарни кўриб қолиб, салом-алиқдан кейин йигитга ўзининг бешарм мақсадини айтади. Йигит эса рад қилади. Бу таклиф бир марта эмас бир неча марта такрорланади. Барчасига рад жавобини олган Натальянинг жаҳли чиққади. Орадан бир неча ойлар ўтиб Наталья яна Санжарни кўриб қолади. Бу сафар Наталья бошқача йўл тутди. Йигитга "уйимга чиқасанми ёки ўзим кирайми" қабилда гапирди. Бу гапдан хижолат тор-

ган Санжар "киришингиз шарт эмас, бу ишнинг нима кераги бор, ўзингизни босиб олинг, эшитган қулоққа яхши эмас", дея уқтирмоқчи бўлди. Натальянинг шашти бошқача эди. Қутилмаганда йигитга "унда эрталаб ўзим кираман", деб айтди. Шу куни Санжар тонга яқин уйнинг деразасидан чиқиб, бечор орқали, Натальянинг деразаси томон боради. Ёпиқ турган деразани тақиллатади. Наталья Санжарни меҳмонхонага таклиф қилади. Бироз вақтдан кейин Наталья Санжарнинг яна шахсиятига тегадиган гаплардан бошлайди. Бундай гаплардан зада бўлган Санжар "ҳозир келаман", дея чиқиб кетади. Йигит ўз уйига бориб, болкондаги тапчан устида турган узунлиги тахминан 0,5 метр темир труба билан деразадан яна қўшнинг уйига қиради. Наталья Санжарнинг қўлидаги темирни кўриб бу нимага кераклигини сўрайди. Сўровга жавоб тариқасида йигит жувонга "агарда яна шу мавзуда гапирсанг, уриб ногирон қилиб қўяман", деб пўписа қилади. Улар тортишиб кетишади. Наталья ҳам тинч турмасдан, йигитнинг шахсиятига тегадиган кўп гап-сўзларни аямай гапирди. Бошқарувини йўқотган Санжар қўлидаги темир труба билан Натальянинг бошига зарб билан уриб юборади. Наталья полга бошини чангаллаб ўтириб олади, ориқдан кучли хириллаган овоз чиқаради. Бу овозни қўшнилари эшитиб қолмасин, дея ўйга борган Санжар яна зарб билан уриб олади. Наталья эса хушидан кетиб йиқилади. Чалажон бўлиб ётган аёлнинг

кўкрак қафасига икки марта зарб билан пичоқ уради. Жувоннинг эса овози ўчган эди. Ашъвий далиллар, яъни пичоқ ва темир трубага ташқарига отиб юборади. Марҳумнинг барча қимматбаҳо буюмларини, уйдига бор пулларини олиб, воқеа жойидан гоёиб бўлади. Мудҳиш қотилликни содир этган талаба ич-ичидан катта хато қилганлигини биларди. Орадан 2-3 кун ўтди. Натальянинг эшиги қулф, қўшнилари ҳам унинг кўринмай қолганидан таажубланди. Шу орада Натальянинг қизи онасига кўнгирак қилиб, онасининг қўл телефони учирилганлигидан хавотир олиб, онасини танийдиган ён қўшнилари билан хабарлашди. Натальянинг қўшнилари ҳам жим турмасдан уйнинг эшигини очишди. Қарашаски, аёл жон таслим қилган. Ички ишлар ходимлари келиб, мудҳиш жиноятни ким содир этганлигига аниқлик кирита бошлади. Атрофни зимдан текширган орган ходимлари томонидан ашъвий далиллар пичоқ ва темир труба топилиб, Санжарга тегишли бармоқ излари борлигини аниқлашди. Ўзининг оғир қилмишидан одам ўлдиришдек ваҳшийликка борган талаба йигит суд залида қаттиқ пушаймонлигини билдирди. Лекин жиноятга оғир жазо муқаррар. Санжар Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан озоқликдан маҳрум қилиш ҳисобига тортилди.

Гулҳаё НУРМЕТОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

ОРТИҚЧА ТЎЛАНГАН СОЛИҚ ҚАЙТАРИЛАДИ

— МАБЛАҒИМ етарли бўлгани учун солиқни ортиғи билан тўлаган эдим. Энди афсусланаёман. Ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтариб олиш мумкинми?

Олим ТЎЛҚИНОВ,
Тошкент шаҳри



— Ҳа, мумкин. Солиқ тўловчининг бошқа солиқлардан қарздорлиги мавжуд бўлмаганда ортиқча тўланган солиқ суммалари қайтарилади.

Ортиқча тўланган солиқ суммаларини қайтариш учун солиқ тўловчи солиқ органларига ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтариш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиши лозим. Аризага тўлов ҳужжатининг (чек, квитанция) нусхасини илова қилиш мумкин. Бундай аризалар электрон солиқ хизматлари портали (<https://my.soliq.uz/main/>) орқали берилиши ҳам мумкин. Аризани кўриб чиқиш ва ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтариш 15 иш кунидан ошмаслиги керак.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига пул ўтказиш орқали қайтарилади.

Ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтариш рад этилганда ёки қайтариш ҳақида қарор қабул қилинмаганда солиқ тўловчи судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

ОЛИЙГОҲДАГИ ЎҚИШ ДАВРИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИМИ?

— ФУҚАРОЛАРНИНГ олий таълим муассасаларида таҳсил олган даври пенсия тайинлашда ҳисобга олинадими?

Зариф БОБОЖОНОВ,
Наманган шаҳри



— Ҳа, ҳисобга олинади. Фуқароларнинг олий таълим муассасаларида, илмий тадқиқот институтларида, таянч докторантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиши, шу жумладан, чет элда ўқиши иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Маъзур давр фуқаронинг умумий иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ногиронларга эса уларнинг иш стажидан қатъи назар қўшиб ҳисобланади.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИ

унда фуқаролар учун қулайликлар яратилмоқда



ТОШКЕНТ вилояти Қибрай туманида давлат хизматлари маркази жорий йилда бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Марказнинг хизматлар тизимига тўлиқ интеграция қилинган ва ҳамкорлик ўрнатилган, тадбиркорлик субъектларига рухсат берувчи ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар тақдим этишда амалдаги қонунчиликка риоя қилинган. Шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда давлат божи ва йиғимлар ундирилиши ягона биллинг тизимига уланган, йиғимларни тўлаш учун овозгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида "CLICK", "PAYME", "PAYNET" мобил алоқалари орқали ҳам амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида фуқароларга тушинтирилмоқда.

Шу билан бирга, марказга кириш жойи ва кутуш залларининг фуқароларга қўриниш қўлай бўлган жойларига марказ томонидан хизмат кўрсатишнинг турлари, мурожаат элувчиларга тегишли ҳужжатларни тўлдирish ва ёзишнинг намунавий шаклдаги қоғозлари стендаларга осиб қўйилган.

Марказда бошқа ташкилотлар ва мурожаат этувчиларга тезлик билан давлат хизматларини кўрсатиш учун интернет тармоғининг миллий сегмент маълумотларини узатиш тармоғига, шунингдек, бепул фойдаланиш асосида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг идоралараро электрон ҳамкорлик тизимига уланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари ягона порталига уланган ва тезлик даражаси максимум даражада ишлаб келмоқда.

Марказда давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича телефон хизмати (call-марказ)нинг зарур даражада ишлаши ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш учун инфокиоск техника аппарати билан таъминланган.

Шу ўринда айтиш лозимки, 2019 йилнинг 1 май ҳолатига, жами 10366 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 4250 та мурожаатга ҳоким қарори чиқарилган. Айтиш лозимки, 4472 та мурожаат кўриб чиқилмоқда. Марказга келишга имконияти бўлмаган фуқароларнинг яшаш манзилларига борган ҳолда сайёр (мобил) давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Мисол учун, Қибрай туман Давлат хизматлари маркази томонидан уй-жойларни қонунийлаштириш бўйича кўплаб фуқаролар ўзбошимчилик билан қурилган уйига эгалик қилиш имкониятини қўлга киритди. Бугунги кунда ушбу марказ хизмати томонидан фуқароларга яратилган қулай шарт-шароитлардан барча бирдек мамнунлигини билдиришмоқда.

Тоҳир ХАЛИЛОВ,
Қибрай туман Давлат хизматлари маркази директори

МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ ОЛМОҚЧИМАН...

— ДАВЛАТ тест маркази томонидан бериладиган чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи сертификатни олиш учун қарга мурожаат қилиш керак?

Олимжон КОМИЛОВ,
абитуриент, Сирдарё вилояти



— Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификатини олиш учун энг кам иш ҳақининг 1,5 баравари (304 минг 95 сўм) миқдорига тўлов ундирилади. Сертификатни олиш учун Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали онлайн ёки бевосита Давлат тест маркази ва унинг вилоятлардаги ҳудудий бўлинмаларига ариза билан мурожаат қилиш лозим. Ариза Давлат тест маркази томонидан етти иш кунига кўриб чиқилади. Тест синови гуруҳларнинг шакллантирилишига қараб, талабгор рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб олти ҳафта ичида ўтказилади. Тест синовини ўтказиш санаси у ўтказиладиган кундан камида бир ҳафта олдин эълон қилинади.

ҚАЧОН БИР ЯРИМ БАРАВАР ҲАҚ ТЎЛАНАДИ?

— МАКТАБ ўқитувчиларининг тунги навбатчилик қилган кунларига ҳақ тўланадими? Бу навбатчилик асосан байрам ва байрам олди кунларига тўғри келсачи?

Хамза ТЎРАҚУЛОВ,
Пахтачи тумани



— Меҳнат қонунчилигига мувофиқ, агар ходим тунги вақтда ишласа ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўланади. Агар ходим иш вақтидан ташқари, дам олиш кунлари ва байрам кунлари ишласа камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади.

Белгиланган кундалик иш (смена) вақтидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари бўлиши керак. Дам олиш кунларига ишлаш тақиқланади. Лекин:

иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жамoa шартномасида кўрсатилган бўлса, белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади;

агар жамoa шартномаси тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касабa уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Айрим тоифадаги ходимларни тунги вақтда ишлатиш учун қўшимча талаблар мавжуд, хусусан:

ногиронларнинг тунги вақтда ишлашига уларнинг розилиги билан агар улар учун бундай ишлар тиббий таъсирларда тақиқланмаган бўлсагина йўл қўйилади; ҳомиладор ва 14 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларнинг розилигисиз тунги ишларга жалб қилишга йўл қўйилмайди.

18 ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга жалб этиш тақиқланади.

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими
Дилмурод РАЖАБОЕВ жавоб берди.

ЭНДИ НОТАРИУСЛАР ОРТИҚЧА ПУЛ ТАЛАБ ҚИЛА ОЛМАЙДИ

— ИЖТИМОЙ тармоқларда нотариуслар фаолиятига "СМС хабар" тизими жорий этилаётгани ҳақида хабар тарқалди. Ушбу тизим ва унинг ишлаши ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

Асқар НАБИЕВ,
Наманган вилояти



— Адлия вазирлиги томонидан 2019 йилнинг 1 июнидан бошлаб нотариуслар фаолиятида "СМС хабар" электрон тизими жорий этилди. Бу миқоз телефон рақамига амалиёт даврида тизим орқали СМС хабар жўнатилади, дегани.

Ушбу хабарда 2 та маълумот ўз аксини топади. Биринчидан, хабарда нотариал ҳаракатлар учун миқоз томонидан амалга оширилган тўловнинг аниқ миқдори кўрсатилган бўлади, яъни кассада миқоз томонидан тўланган пул миқдорини СМС хабарда кўрсатилган қонуний тўловлар билан солиштириш имконияти пайдо бўлади. Иккинчидан, нотариал ҳаракатни охирига етказиш учун СМС хабар орқали тўртта рақамли код миқознинг телефонига юборилади. Нотариус ушбу тасдиқловчи кодни электрон тизимга киритганидан сўнггина нотариал ҳаракатни амалга оширишни расман якунлашга рухсат этилади. Бунда ушбу код нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун калит вазифасини бажаради.

"СМС хабар" электрон тизимининг жорий этилиши нотариал идораларда коррупцион ҳолатлар бартараф этилишига сезиларли таъсир қилади ва фуқаролардан ортиқча пул ундириш имкониятини кескин чеклайди. Агар миқоздан ортиқча тўлов ундирилганлиги аниқланса, шу заҳоти Адлия вазирлигининг 1008 қисқа рақамли ишонч телефонига қўнғирок қилиб, бу ҳақда шикоят қолдириш ёки нотариуснинг ўзига тафовут сабаби юзасидан мурожаат қилиш мумкин бўлади.

Саволга Наманган шаҳар 8-сон давлат нотариал идораси
нотариус ёрдамчиси Бахтинур ХАСАНОВ жавоб берди.

Давоми. Бошланиши 1-бетда


5 ИЮНЬ — БУТУНЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

ИНСОН БОРЛИҚ ВА ЙЎҚЛИК ОРАСИДА

Сиз қай тарафга юз бурасиз?



Саратон касаллигининг асосий сабабчиси экологиями?



Бугунги кунда экологияни соф ҳолда сақлаш мақсадида дунё бўйлаб заҳарли газларни ҳавога чиқаришни камайтириш борасида бир қатор режалар ишлаб чиқилган. Мутахассисларнинг фикрича, агар ҳавога заҳарли моддаларнинг чиқиши камайтирилмайдиган бўлса, у ҳолда яқин келажакда ҳавонинг ифлосланиши оқибатида юз берадиган ўлимлар сони ортиб бораверади.

Масалан, атроф-муҳитнинг ифлосланиши оқибатида келиб чиқадиган касалликлар туфайли ҳар йили сайёраимизда камиди 5,5 миллион киши вафот этар экан. Аянчли томони шундаки, 2050 йилда бу рақам 6 миллион кишидан ортиб кетиши тахмин қилинмоқда.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Онкологик касалликларни ўрганиш Халқаро агентлиги (IARC) эълон қилган ҳисоботда ҳавонинг ифлосланиши саратон касаллигининг асосий сабабчиси экани айтилади. "Сайёраимиздаги ҳаво барча инсонларга тегишли эканлигини англаб етadиган пайт етиб келди. Биз ҳавонинг тозаллиги учун масъулиятни англаб етишимиз керак", дейди Онкологик касалликларни ўрганиш Халқаро агентлиги вакили Дана Лумис.

Таъкидлаш жоизки, ҳавонинг ифлосланиши оқибатида юз берадиган ўлимларнинг 50 фоизига кўмир сабаб бўлар экан. Шу сабабли кўнраб мутахассислар кўмирдан кўра табиий газдан фойдаланишга, эндиликда эса муқобил манбалардан фойдаланишга ўтиш вақти келганини таъкидлашмоқда.



Ҳавоси энг ифлос шаҳар

Мавжуд муаммо борасида тадқиқот ўтказган АҚШнинг Бостон шаҳридаги "Health Effects Institutes" компанияси мутахассислари ўз хулосаларини эълон қилишди. Американинг Йельс университети олимлари эса сунъий йўлдошлардан олинган суратлар орқали ҳавонинг ифлосланиши билан боғлиқ жаҳон харитасини яратишди. Унда бугунги кунда Деҳли ва Пекиндаги ҳавонинг ифлосланиши белгиланган меъёрдан 8-10 баробар юқори эканлиги тан олинади. Пекин дунёдаги ҳавоси энг ифлос шаҳарлардан бири сифатида қайд қилинган. Бунинг сабаби шаҳарда автомобиллар сонининг

кўплиги ва қўшни Хэбэй ва Хэнандаги заводлардан заҳарли тўтунларнинг чиқиши эканлиги кўрсатилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, сўнгги 50 йил мобайнида ҳаво ифлосланишининг олдини олиш борасида Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Японияда бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Бунинг учун мазкур минтақаларда ҳавони ифлослантirmайдиган ёқилги ва двигателлардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди, кўмир истеъмоли камайтирилмоқда.

Бутунжаҳон ёввойи табиат (WWF), Global Footprint Network жамғармалари ва Лондоннинг зоологик жамияти мутахассислари ҳамкорликда ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, 1970 йилдан буён Ердаги ёввойи ҳайвон ва қўшларнинг сони 3,43 минг турга, тирик сайёранинг индекси эса 52 фоизга камайган, яъни ҳавода ва қуруқликда яшайдиган жониворлар тури 76 фоизга, ер устида яшайдиганлар ва сувда истиқомат қиладиганлар сони 39 фоизга қисқарган. Ҳар йили инсон фаолияти оқибатида 11 миллион гектар тропик ўрмонлар кесилиб, нобуд бўлади. Бу ўрмонларни тиклаш борасидаги ишлардан 10 баробар кўпдир. Ҳар куни атмосферага 60 миллион тоннага яқин карбонат ангидрид чиқарилиб, бу ҳавонинг исшишига, ўз навбатида эса, дунё океанидаги сув сатҳининг кўтарилишига олиб келмоқда.



БМТда ушбу сана

Мазкур санани нишонлаш билан боғлиқ кенг кўламли тадбирларни муайян бир широк остида ёки мавзуда ўтказиш вазифаси ҳар йили алоҳида бир мамлакатга юклатилиб, шу мамлакатда 5 июнь куни тўғри келадиган ҳафта давомида халқаро кўргазмалар ташкил этилади. 2015 йилда ушбу сана "Етти миллиард орзу. Ягона сайёра. Истеъмомимизда тежамкор бўлайлик" широк остида нишонланиб, тегишли тадбирлар Италияда ташкиллаштирилган эди.

Мазкур санани нишонлашда бутун дунё бўйлаб 70 та мамлакатда миллионлаб одамлар иштирокида кенг кўламли тадбирлар ўтказилади. Ҳар йили кекса ва ёш фаоллар турли кўргазмалар, атроф-муҳитни тозалаш ишлари, ҳашарлар, концертлар, ОАВ иштирокидаги бир қатор тадбирлар, турли танлов ва мусобақалар ташкиллаштиришда қатнашади-лар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, яқин йилларда инсоният олдида маънавий, эстетик вазифалар ечимини топиш, яъни атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳамда табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришда ва транспортни бошқаришда экологик хавфсиз, муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланиш ҳамда "яшил технология"га ўтказиш масаллари турганлиги ҳам жуда муҳимдир.



Оролнинг қуриши инсоният учун энг катта экологик фалокатдир

Мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган 30 дан ортиқ қонун ҳужжатлари мавжуд. Жумладан, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва бошқа экологик қонунларда табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳўжалик, бошқарув ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш, фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология фанининг мажбурийлиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Бу масалада Ўзбекистондаги БМТ вакиллиги томонидан ҳам эътиборли ташаббус ва ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг 1 апрель куни Норвегия ҳукумати ва БМТнинг Кўп томонлама шериклик Траст жамғармасининг Нью-Йоркдаги Офиси БМТнинг Ўзбекистонни Оролбўйи ҳудуди учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик Траст жамғармасига 9,5 миллион Норвегия крони (қарийб 1,1 миллион АҚШ доллари) миқдоридagi тўловни тасдиқловчи стандарт шартномани имзоладилар.

Маълумки, 1960 йиллар-

гача дунёнинг тўртинчи йирик ёпиқ денгизи бўлмиш Оролнинг қуриши миллий ва минтақавий чегаралар доирасидан чиқувчи инсониятнинг энг катта экологик фалокати ҳисобланади.


2018 йилда БМТ шафелигида ташкил этилган Траст жамғармаси Орол денгизи ҳудудида истиқомат қилувчи ҳамжамиятларнинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий эҳтиётларини ҳал қилишда миллий ва халқаро даражада ҳамкорликни амалга ошириш ва барқарор ривожланиш соҳасида глобал мақсадларга эришиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни тезлаштириш учун ягона майдонни тақдим этади.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўз бўйнига Траст жамғармасига 6,5 миллион АҚШ доллар миқдорида улушини қўшиш ҳақида мажбуриятни олган, унинг 2,0 миллион АҚШ доллари Траст жамғармасининг ҳисобига ўтказиб бўлинди. Норвегия Жамғармага маблағ қиритган биринчи ташқи донор ҳисобланади.

— Орол денгизи учун инсон хавфсизлиги бўйича Кўп томонлама шериклик Траст жамғармаси ҳукумат ва ривожланиш соҳасидаги ҳамкорларга айнан инсонларга йўналтирилган, жамоаларнинг аҳволи, талаб ва эҳтиётларига асосланган, ҳаракат суръатлари ва инновацияларга алоҳида эътибор берган ҳолда ечимларни ишлаб чиқишда биргаликдаги фаолият олиб бориш имконини бермоқда, биз Жамғарманинг донорига айланиб, Орол денгизи муаммосини ҳал қилиш ишига тарафдорлигини тасдиқлаган Норвегиянинг мазкур қарорини кўнраб-қувватлаймиз. Бу қарор Ўзбекистондаги тезкор барқарор ривожланишга кўмак беришда Норвегиянинг қатъиятчилигини далолат беради. — дейди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Хелена Фрейзер хоним.

Жаннатмакон юртимизнинг табиати бетакрор бўлиб, шароити эса ҳаёт кечиримиз учун жуда ҳам бой экологик имкониятларга эга. Шундай экан, дёғиримизнинг ҳар бир фуқароси Она табиатимизни кўз қорачиғидек асраши, унинг экологик ҳолатини янада яхшилашга масъуллигини доимо ҳис қилиб туриши ҳамда келгуси авлодга экологик мусоффо муҳитни яратишда куч ва ғайратини аямаслиги лозим.

Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,
Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори,
Халқаро Экологик хавфсизлик фанлари Академиясининг Академиги (МАНЭБ)



БЎКА ТАЖРИБАСИ — БОШЛАНГИЧ ҚАДАМ

Тараққиётнинг бешта таянчи ёшлар ва хотин-қизлар ҳаётига янги маъно-мазмун бахш этмоқда

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Тақдир синовларига дош беролмасдан билиб-билмай тўғри йўлдан адашган аёлларимиз жамиятга қайтариш, қўлидан тутиб аёллик бахту саодати сари етаклаш бугунги кунда юртимиз хотин-қизларига кўрсатилаётган юксак эътибор, меҳр-мурувват ва гамхўрликнинг узвий бир бўлагига айланган. Бўкалик 32 ёшли Назоқат Саломова (маълум сабабларга кўра исм-шарифи ўзгартирилди) ўз вақтида ўқиб ўрганмади, бирор касбнинг бошини тутмади. Аксинча, ёшлик вақтини ўйин-кулгуга сарфлаб, умрининг олтин даврини беҳуда ўтказди. Шу тарихи боши берк кўчага кириб қолди. Тирикчилик ваҳидан мўмай даромад илинжида фарибгарликни ўзига касб қилди. Содда одамларни алдаб, ўзгаларнинг пешона тери билан топган маблағларини ўзлаштирди. Лекин ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаганидек, унинг қилмишлари узоққа бормади. Суд залида навқирон жувоннинг гулдек юзи саргайди, мағрур боши эгилди, қилмишларидан астойдил пушаймон бўлди. Шундай бир оғир паллада маҳалла-қўй уни ёлғизлатиб қўймади, нажот қўлини чўздди. Маҳалла фаоллари ва туман хотин-қизлар кўмитасининг кафиллиги билан Назоқат суд залидан озод қилинди. Туман Аёллар ижтимоий мослашув маркази мушкул аҳволда қолган уч юздан зиёд хотин-қизлар қатори Назоқатга ҳам маънавий-руҳий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб, соғлом ҳаётга қайтарди. — Халқимизнинг муруввати чексиз, бағри осмон каби кенглигини ҳис қилиш бахтига муяссар бўлдим. Менга шундай яхшилик қилган давлатимиз, халқимиз, элу юртимизнинг ишончини поймол қилишдан қўрқаман. Ҳозир ортимга қараб эмас, фақат олдинга қараб яшагим келади, чуқни эртанги куним ёруғ, келажагимдан кўнглим тўқ, ўзимга, яқинларимга, ҳамқиш-

лоқларимга нафи тегадиган гулдек хунарга эга бўлдим. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази ва хотин-қизлар кўмитаси йўлланмаси билан касб-хунар коллежида бичиш-тиқиш курсига қатнаб, тикувчилик касбини эгалладим. “Бўстон” МФИда янги ташкил қилинган замонавий тикувчилик цехига ишга жойлашдим. Инсон ўз тақдирини ўз қўллари билан яратди, деганлари рост экан, — дейди у.

Бўка туманидаги “Бўстон”, “Човлисои”, “Хужақўрғон” ва “Янгиқўрғон” маҳаллаларида тез кунлар ичида тикув-трикотаж комплекслари ишга туширилади. У ерда 1383 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланади.

Тумандаги 80 нафар хунараманд аёлга 585 нафар ишсиз, оғир турмуш шароитидаги хотин-қизлар “Устоз-шогирд” анъаналари асосида бириктирилди ва ҳозирги кунда 25 та хунарамандга бириктирилган 145 нафар хотин-қизга касб-хунарга ўргатиш ишлари бошлаб юборилди ва туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан устозларга ойлик маоши ҳамда шогирдларига стипендия тайинлаш ташкил этилди.

Айни кунларда туман ҳудудининг қай бир гўшасига разм солманг, обод ва гўзал масканлар баҳри дилингишни очди. Бўкалик ёш қарининг юз-кўзида, туриш-турмушида кўтаринкилик, шукроналик ва шижоати кўрасиз. Бунинг замирида инсон манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар муҳажжасам. Тошкент вилояти Бўка туманида тажриба тариқасида бошланган хайрли ишлар қисқа фурсат ичида мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйиши турган гап.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

■ Иккинчи мақола



Умида ҚУРБОНОВА,
ёш тадбиркор:

Гулрафтор РОБИЕВА:

ИСЛОҲОТЛАР РАҒБАТ ВА ҚАНОТ БЎЛМОҚДА

— Шу йил Бўка маиший касб-хунар коллежини битираялман. Очиғи, ўқишни битиргандан кейин каерда ишлайман, нима иш қиламан, деб бошим қотган эди. Қишлоқда туғилиб ўсганим учун фермерлик, чорвачилик, паррандачилик каби соҳаларга меҳрим бўлачқ. Туман мутасадди ташкилот вакилларининг коллеж битирувчилари билан меҳнат бандлиги масаласи бўйича ўтказган йилгилишида кўнчилик соҳаси етти хазинадан бири эканлигини билиб, қизиқишим ортиди. Аввалга “Томорқа” МЧЖ жамиятининг таъминотчиларидан 20 та кўён олиб оливай бизнесимни бошлаб юбордим. Мазкур МЧЖ вакиллари томонидан ташкил этилган махсус ўқув курсига қатнаб, кўнчилик соҳасига оид фаолиятнинг барча сир-синоатларини ўргандим. Бу, албатта, биринчи қадам. Келгусида тадбиркорлик фаолиятимни янада кенгайтириш ниятидаман. Бу борадаги билим ва тажрибам ортан сари ҳақиқатан ҳам кўнчилик соҳаси кони фойда эканлигига амин бўлмоқдаман. Тиббиёт ходимларининг хулосаларига кўра, кўён гўшти парҳез таомлар сирасига кирувчи, бир қанча касалликларга даво маҳсулот саналади. Майин жуни ва терисига юртимиз ва хорик бозорларида бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Мен келгусида халқимизга ва чет давлатларга бу каби фойдали маҳсулотларни етказиб бериш ниятидаман. Бу борада менга, мен каби ёш тадбиркорларга Президентимизнинг оталарча эътибори ва гамхўрлиги шижоат, куч-ғайрат бағишлайди.

МОМОЛАР МЕРОСИ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

— Онамнинг айтишларича, оиламиз қадимдан хунарамандлар оиласи бўлиб келган. Катта момом тиккан сўзана-ю палаклар ва турли зардўзлик буюмлари хонлар, беклар ва казо-казо амалдорларнинг уйини бегазан экан. У кишининг қўли гул бўлиб, турли ипақлардан матолар юзиде чинакам чаманзор, ажиб манзара ярата билганлари сабабли эл орасида “Гулчевар” номи билан машҳур бўлган эканлар. Кейинги йилларда миллий қадриятларимиз билан бир қаторда миллий хунарамандлик буюмлари ҳам қадр топтомоқда, хунарамандлар учун давлатимизда барча шарт-шароитлар, имкон ва имтиёзлар яратилмоқда. Бизнинг оиламиз ҳам яратилган имтиёзлардан унумли фойдаланиб, каштачилик мактабини ривожлантириб бормоқдамиз. Ўзбек, тожик, қозок миллий каштачилик ва зардўзлик санъатининг унутилаёзган усули ва йўналишларини топиб, янгича уйғунликда қайта тиклаялмиш. Ҳозирги кунда 10 дан ортиқ шогирдларим бор. Маҳсулотларимизга хориждан келиб тушаётган буюртмалар ортиб бораётганлигини кўриб, меҳнатимиздан фахрланамиз. Республикамиз ва чет давлатларда бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда биз ҳам турли миллий каштачилик ва зардўзлик буюмларимиз билан иштирок этиб, юксак эътирофларга сазовор бўлдик.

■ АЗИЗ МАСКАНЛАР



■ “Заркент ота” зиёратгоҳи Чотқол тоғ тизмаларининг ғарбий ёнбошида, Заркент қишлоғининг юқори қисми, Қўрғон маҳалласи, “Гунча” кўчасида жойлашган.

■ Заркентдаги авлиё ота VII-IX асрларда яшаб фаолият кўрсатган ҳарбий кўмондон ва тасаввуф ахли намояндасидир.

■ Унинг асл исми Жаъфар ибн Хусайн.

■ Жаъфар ибн Хусайн Саййид Баттол Ғозий милодий 770 йили Шомда (ҳозирги Туркия ҳудудидаги Малотия шаҳрида) таваллуд топган.

ЗАРКЕНТ ОТА

ПАРКЕНТ тумани ўзининг мафтункор табиати, сўлим гўшалари, баҳаво ҳавоси, зиёратгоҳ масканлари, саёҳатбоп манзиллари билан алоҳида мавқега эга. Ушбу дийрни кезарканмиз сой бўйлари, қир-адирларида табиий тепаликлар билан тарихий зиёратгоҳларни ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда туманда зиёрат туризми кенг ривожланган. Масалан, туманимизда азиз ва табарруқ қадамжолар билан танишиш учун барча қулайликлар яратилган. Юртимиздаги зиёратгоҳлар тарихини, асл қиёфасини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишлари кенг кўламада олиб борилмоқда. Шунга қарамастан, юртимизда ҳали етарли даражада ўрганилмаган, лекин халқ яхши билган зиёратгоҳлар кўплаб топилди. Шулар жумласига “Заркент ота” зиёратгоҳини қўшиш мумкин.

“Заркент ота” зиёратгоҳи Чотқол тоғ тизмаларининг ғарбий ёнбошида, Заркент қишлоғининг юқори қисми, Қўрғон маҳалласи, “Гунча” кўчасида жойлашган.

Заркентдаги авлиё ота VII-IX асрларда яшаб фаолият кўрсатган ҳарбий кўмондон ва тасаввуф ахли намояндасидир. У киши қадимий Зарқанд (олтин булоқ) қишлоғида

ором топганлиги халқ оғзаки ижодида баён этилади. Унинг асл исми Жаъфар ибн Хусайн экани маълумотларда келтирилган. Тарихий маълумотларга кўра, Жаъфар ибн Хусайн Саййид Баттол Ғозий милодий 770 йили Шомда (ҳозирги Туркия ҳудудидаги Малотия шаҳрида) таваллуд топганлар. Ўз фидокорона меҳнати ва фаолияти билан халққа ва холиққа холисона хизмат кўрсатган машҳур шахсдир. Ҳозирги кунда бу шахс ҳақида немис, форс, француз, рус, инглиз, араб, турк, ўзбек тилларида тадқиқотлар, монографиялар, тарихий романлару дostonлар битилган. Ҳатто, Туркияда бу шахсга бағишланган Халқаро симпозиумлар ўтказилган.

Дарҳақиқат, “Заркент ота” зиёратгоҳи ўзининг булоқ суви софлиги ва шифобахшлиги билан ажралиб туради. Бу булоқ суви минглаб дардларга шифо бўлиши ва минералларга бойлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. “Заркент ота”нинг яна бир диққатга сазовор хислати — бу ердаги бута ва дархатларга булбулдан бошқа парранда кўнмаслиғидир. Бу сир-синоатга бой маскан “Қўш кўнмас авлиё жой”, деб ҳам юритилади. Зиёратгоҳда яна Заркент ота қабри жойлашган бўлиб, зиёратчилар уларнинг



руҳига тиловатлар қилади. Ушбу зиёратгоҳ давлат мулки ҳисобланади. Бу ерга ташриф буюрган зиёратчилар шифобахш булоқ сувидан баҳраманд бўлиш билан бир қаторда, гўзал табиат қўйнида ҳорда чиқаришлари мумкин. Албатта, гўзал дийримида бундай гўшаларни кўплаб учратиш мумкин. Ўйлаймизки, бу каби масканларни зиёрат қилиш, улар ҳақидаги маълумотларни билиш инсон маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Зулфизар ТИЛЛАХЎЖАЕВА,
Паркент Транспорт ва сервис
касб-хунар коллежи ўқитувчиси

ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Matbuot ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРАЛИГИ

ISSN 2030-7497

www.minjustuz

Бош муҳаррир

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулпов Анвар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалолович
Тоқиев Фуқрат Шомиродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Таҳририятга келган
қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтариқмайди.

Навбатчи
Фарида Қорақуллова

Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожиев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма таёқ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида chop этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда Ўза суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 11803
Буортма — V-3467
Тошпириш вақти — 19:00
Тошпириди — 22:40

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-35.

Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоси қилинмишган нархда

1 2 3 4 5